



# **MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI**

**ILMIY MAK TABI**

# **MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI**

**ilmiy elektron jurnali**

## **LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL**

**scientific electronic journal**

**2023 yil, 3-son**

**Volume 4, Issue 3, 2023**



# МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ



**LABORECONOMICS.UZ**

**МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ**

**Nº 3-2023**

**ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ  
КАПИТАЛ**

**LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL**

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro’yxatga olingan.

**Muassis:** “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

**Tahririyat manzili:**

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko’chasi,  
49 uy

**Elektron manzil:** [ilmymaktab@gmail.com](mailto:ilmymaktab@gmail.com)

**Jurnal web-sayti:** [www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)

**Bog’lanish uchun telefonlar:**

+998998818698

**TOSHKENT-2023**

**Tahririyat Kengashi raisi:**  
(Chairman of the Editorial Board)

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

**Tahririyat Kengashi a'zolari:**  
(Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.  
Yusupov Axmadbek Tadiyevich, i.f.d.. prof.  
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof  
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof  
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof  
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.  
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.  
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.  
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.  
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.  
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d.. prof.  
Xudoibergaliyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.  
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)  
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.  
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.  
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.f.d., (PhD), dots.  
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

**Jamoatchilik Kengashi a'zolari:**  
(Community Council members)

Bred Bodenxauzen (AQSh)  
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)  
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)  
Xeynz Miller (AQSh)  
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)  
Masato Xivatari (Yaponiya)  
Gerxard Feldmayer (Germaniya)  
Eko Shri Margianti (Indoneziya)  
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)  
Rohana Ngah (Malayziya)  
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)  
Teguh Dartanto (Indoneziya)  
Nur Azlinna (Saudiya Arabiston)  
Muhammed Xoliq (Pokiston)  
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

**Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief):** G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

**Veb-administrator (Web admin):** Musayev Xurshid Sharifjonovich



+99899 881-86-98



ilmiyaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



[www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)

**MUNDARIJA (CONTENTS)**

	<b>INSON RESURSLARINI BOSHQARISH</b>	
<b>S.B.G'oyipnazarov</b>	<i>Mahalliy davlat hokimiyati organlarida inson resurslarini boshqarishning xalqaro tajribasi .....</i>	5-21
<b>O.T.Astanakulov</b>	<i>Davlat xizmatida xodimlar faoliyati samadorligini baholash .....</i>	22-35
<b>M.A.Qayumova</b>	<i>Oliy ta'lif muassasalarida professor-o'qituvchilar motivatsiyasining muammolari va uning tahlili .....</i>	36-45
	<b>MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI</b>	
<b>Z.D.Adilova</b>	<i>Turistik xizmatlar bozorida bandlikni tartibga solish va boshqaruvin mexanizmlarining zamonaviy usullari ...</i>	46-56
<b>X.F.To'xtayeva</b>	<i>O'zbekistonda mehnat bozori muammolari .....</i>	57-68
<b>M.M.Mirzakarimova</b>	<i>O'zbekiston mehnat bozorida raqamli texnologiyalar mutaxassislariga talab va taklifni baholovchi mezonlar tizimi .....</i>	69-80
<b>Sh.O.Olimjonova</b>	<i>Aholi bandligini ta'minlashning yo'nalishlari (O'zbekiston Respublikasi misolida) .....</i>	81-88
	<b>DEMOGRAFIYA</b>	
<b>R.I.Nurimbetov</b>	<i>O'zbekistonning ayrim demografik masalalari va aholi bandligini manfaatdorlik indeksi asosida baholash .....</i>	89-101
<b>A.M.Ismailov</b>	<i>O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy xavfsizligini ta'minlashdagi demografik siyosati .....</i>	102-113
	<b>INSON KAPITALI</b>	
<b>S.E.Xolmuratov</b>	<i>Пути совершенствования образовательной системы Республики Узбекистан путем применения «финского чуда» .....</i>	114-126
<b>J.S.Xolmuratov</b>	<i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitali rivojlanishini boshqarishni tashkiliy-iqtisodiy qo'llab-quvvatlash.....</i>	127-135
<b>N.B.Ulug'muradova</b>	<i>Modelь государственно-частного партнерства в сфере туризма .....</i>	147-163
	<b>TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH</b>	
<b>X.Sh.Kaxramonov</b>	<i>Исследование факторов, действующих на эффективное управление жилищным фондом города .....</i>	136-146
<b>D.A.Ishanxo'jayeva</b>	<i>Модель государственно-частного партнерства в сфере туризма .....</i>	147-163
	<b>MUNOSIB MEHNAT</b>	
<b>F.O'Masharipov</b>	<i>Professional ta'lif muassasalari bitiruvchilari bandligini raqamli texnologiyalar asosida monitoring qilish istiqbollari .....</i>	164-175



# МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ

<https://laboreconomics.uz/>



## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ БАНДЛИГИНИ РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Машарипов Фаррух Ўтқирович

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг  
Иш берувчилар билан ҳамкорлик ва амалиётни ташкил этиш  
бўйим бошлиғи

DOI: [https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2\\_iss1/a32](https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a32)

**Аннотация.** Мақолада профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлиги кўрсаткичларини ошириб бориш, бандлик мониторингги сифатини ошириш, битирувчиларнинг эгаллаган касб ва мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш ҳолати ҳамда норасмий ва расмий секторда бандлик даражасини қайд қилиб бориш имкониятларини берувчи раҷамли технологияларни жорий этиш масалалари ёритилган. Шу билан бирга, ривожланган давлатларда таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлашганлик ҳолатлари бўйича тегишли тажрибалар ўрганилган. Мазкур тажрибалардан келиб чиқиб Профессионал таълим муассасалари битирувчиларини бандлигини раҷамли технологиялар асосида мониторинг қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** профессионал таълим муассасалари, ўрта бўғин кадрлари, меҳнат бозори, ишчи кучи, меҳнат ресурслари, ташқи меҳнат миграцияси, битирувчилар бандлиги, иш ўринлари, меҳнат ярмаркалари, ишсизлик, иш берувчилар, малака талаблари, касбга ўқитиши, касбга йўналтириш жараёнлари, битирувчиларни бандлигини раҷамлаштириш, раҷамли иқтисодиёт, мониторинг системаси, меҳнат фаолияти ва замонавий ахборот технологиялари.

## ПЕРСПЕКТИВЫ МОНИТОРИНГА ТРУДОУСТРОЙСТВА ВЫПУСКНИКОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Машарипов Фаррух Утқирович

Начальник отдела организации сотрудничества и практики с работодателями Министерства высшего образования, науки и инноваций

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы внедрения цифровых технологий, дающих возможности повышения показателей трудоустройства выпускников профессиональных образовательных учреждений, повышения качества мониторинга занятости, состояния занятости по профессии и специальности, занимаемой выпускниками, и фиксировать уровень занятости в неформальном и формальном секторе. В то же время были изучены соответствующие эксперименты по случаям трудоустройства выпускников учебных заведений развитых стран. Исходя из этого опыта, были разработаны соответствующие предложения и рекомендации по мониторингу трудоустройства

выпускников профессиональных образовательных учреждений на основе цифровых технологий.

**Ключевые слова:** профессиональные образовательные учреждения, персонал среднего звена, рынок труда, рабочая сила, трудовые ресурсы, внешняя трудовая миграция, трудоустройство выпускников, вакансии, ярмарки труда, безработица, работодатели, квалификационные требования, профессиональное образование, процессы профориентации, цифровизация трудоустройства выпускников, цифровая экономика, система мониторинга, трудовая активность и современные информационные технологии.

---

## **PROSPECTS FOR MONITORING THE EMPLOYMENT OF GRADUATES OF PROFESSIONAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS BASED ON DIGITAL TECHNOLOGIES**

**Masharipov Farrukh Utkirovich**

Head of the Department of Organization of Cooperation and Practice with Employers of the Ministry of Higher Education, Science and Innovation

**Abstract:** The article deals with the introduction of digital technologies that provide opportunities to increase the employment rates of graduates of vocational educational institutions, improve the quality of employment monitoring, the state of employment by profession and specialty occupied by graduates, and fix the level of employment in the informal and formal sector. At the same time, relevant experiments on employment cases of graduates of educational institutions in developed countries were studied. Based on this experience, relevant proposals and recommendations were developed for monitoring the employment of graduates of vocational educational institutions based on digital technologies.

**Keywords:** professional educational institutions, middle-level personnel, labor market, labor force, labor resources, external labor migration, employment of graduates, vacancies, labor fairs, unemployment, employers, qualification requirements, vocational education, career guidance processes, digitalization of graduate employment, digital economy, monitoring system, labor activity and modern information technologies technology.

### **Кириш**

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, сўнгги йилларда давлатимиз томонидан профессионал таълим ва касб-хунарга ўқитиш соҳасига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, ўқувчиларнинг профессионал таълим муассасаларига хужжат топширишидан бошлаб, то диплом олгунигача бўлган жараёнларнинг барчаси босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда. Бу нафақат ўқувчилар учун, балки профессионал таълим муассасаси учун ҳам иқтисодий жиҳатдан самарадорлик беради. Жумладан, илгари хужжат топшириш жараёнларининг ўзи ҳар икки томон учун ҳам кўплаб оворагарчиликлар келтириб чиқарар эди.

Ҳозирги кунда эса ҳужжат топширишдаги барча жараёнлар электронлаштирилиб, биргина платформа орқали амалга ошириляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган мурожаатномасида “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Ҳар томонлама мукаммал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир” деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ҳозирги ахборот асрида, ҳар қандай давлатнинг барча соҳаларида рақамли технологиялар муҳим ўрин эгаллаган бир даврда, жамият янада барқарор ривожланиши ва тараққиётга эришиши учун рақамли билим ва ахборот технологияларига эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, дунёning кўпгина давлатларида, айниқса ривожланган ва юқори даражада ривожланаётган мамлакатларида рақамли иқтисодиёт анчагина тез суръатларда ўсиб бормоқда. Шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда рўй бераётган юксалиш жараёнлари ўзини барча соҳаларда намоён этмоқда.

Айниқса профессионал таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилингани бизга яхши маълум. Қаерда “Рақамли иқтисодиёт” ва “Электрон ҳукумат”га ўтилган бўлса, одамларнинг оғири енгил бўлаётгани, давлатнинг сарф-ҳаражгаатлари тежалаётгани, коррупциянинг олди олинаётгани яққол намоён бўлмоқда.

Профессионал таълим тизимида ўрта бўғин кадрларини тайёрлашда таълим сифатини ошириш ва меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнларини самарали ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш, профессионал таълимда жараёнида кескин сифат ўзгаришларини ва битирувчиларнинг иш билан бандлик кўрсаткичларини ошириб бориш, бунда битирувчиларнинг бандлик мониторинги сифатини ошириш ва битирувчиларни расмий ва норасмий сектордаги бандлик ҳолати, касб ва мутахассислик кесимида ишга жойлашиш даражаси бўйича маълумотларни олиш имкониятларини берувчи рақамли технологиялардан фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда.

Профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг бандлик ҳолатини рақамлаштириш орқали мониторинг қилиб бориш биринчи навбатда таълим сифатини ошириш ва меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрлар рақобатбардошлигини таъминлашда долзарб масала, бу эса соҳа мутахассисларини етук қилиб тайёрлаш меҳнат бозорида профессионал таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Ҳозирги кунда таълимда мавжуд ҳар қандай босқичларнинг асосий мақсади

рақобатбардош ёш мутахассисларни иш берувчиларнинг эҳтиёжлари асосида сифатли ва малакали тайёрлаш ҳамда хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Белгова Е.И. ёшлар ишсизлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва оқибатларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берган. Абраамова Е.М., Верхаповская Ю.Б лар иш берувчиларнинг ишчи кучига қўяётган талаблари ва таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг бугунги ҳолати ёшларнинг касбий қизиқишиларини социологик сўровлар ўtkазиш йўли билан таҳлил қилганлар. Папова Т.Н. бандликдаги таркибий номутаносибликларнинг юзага келиши сабаблари ва уни бартараф этиш йўллари ҳақида муаллифлик нуқтаи назарини ишлаб чиқсан бўлса, Зерчанинова Т.Е. нинг ишларида таълим муассасалари томонидан меҳнат бозоридаги эҳтиёжга мос кадрлар тайёрлаш масалалари ўрганилган.

МДҲ давлатларининг айрим иқтисодчи олимлари бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнатни тартибга солишни иш билан бандлик сиёсати, “меҳнат”ни эса “иш билан бандлик”ка тенглаштирадилар, таълим тизимининг амал қилиши ва ислоҳотлари, ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш масалаларини ўз илмий изланишларида ёритиб берганлар.

Хусусан, С.В.Андреев иш билан бандликни “ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиш шарти”, деб ҳисоблайди. У бу ёндашувини иш билан бандликка ишлаб чиқариш (меҳнат - ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ходимни ишлаб чиқариш воситаси билан боғлаш воситаси), истеъмол (ходим меҳнати моддий жиҳатдан рағбатлантирилади) ва меҳнат тақсимоти (ходимнинг меҳнат фаолияти бирор соҳасига бириктириб қўйилиши) нуқтаи назарлари билан асослайди. Таълим тизимининг амал қилиши ва ислоҳотлари, ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш масалалари Т.Н.Роденкова А.А.Кондратьева, А.А.Климова, Д.С.Расчетноваларнинг асарларида ўрганилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Қ.Х.Абдураҳмонов, Х.П.Абулқосимов, Б.Х.Умурзаков, Г.Қ.Абдураҳмонова, З.Я.Худойбердиев, Н.Қ.Зокирова, С.Б.Ғойибназаров ва бошқалар меҳнат бозорининг демографик жараёnlар билан боғлиқлиги, ишсизлик муоммоси, таълим тизими, таълим хизматлари бозори, таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро интеграциялар таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини ошириш, меҳнат бозорига биринчи бор кириб келаётган битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари бўйича илмий изланишларни амалга оширганлар.

Файзиев Р.Р, Карамян М.Х., Раҳимов Б.Х. ва Раҳимова У.А лар томонидан меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг касбий қизиқишилари социологик сўровлар ёрдамида аниқланган ва муҳим илмий-амалий хулосалар ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур тадқиқот ишида мамлакатимиз ҳамда хорижий ривожланган мамлакатлар иқтисодчи олимларининг таълим муассасалари битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, унинг аҳамияти ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришда бандликни таъминлашнинг тутган ўрни бўйича илмий тадқиқот ишлари, олимларнинг қарашлари ҳамда билдирган фикр мулоҳазалари ўрганилган ва таҳлил этилган.

Тадқиқот давомида республикамиздаги профессионал таълим муассасалари битирувчиларини бандлингини рақамлаштириш орқали мониторинг қилиш орқали уларни меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш битирувчилар иш билан бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган амалий тадбирлар, уларнинг натижаларини йиллар бўйича динамикаларини таҳлил этишда тизимли ёндашув, статистик, кузатиш ва қиёсий таҳлил усусларидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Меҳнат бозори ҳолатининг етарли даражада барқарор таъминланиши меҳнат бозори инфратузилмаси барча субъектлари, шунингдек давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари томонидан кўрилаётган бир қатор жорий масалалар ва муаммоларнинг муваффақиятли ечимларини ҳал этишни талаб этади.

Республикамиз меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиши ва ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудудий меҳнат бозорининг шаклланиш самарадорлиги бир қатор муаммолар ечимини ёритишини назарда тутади. Иқтисодиётда меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши, замонавий янги тармоқларнинг вужудга келиши учун асос яратмоқда. Бунинг натижасида меҳнат бозорида замонавий касблардаги малакали кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда меҳнат бозорида малакали ишчи кучига талаб ошганлиги ҳамда ўрта бўғин маълумотга эга бўлган мутахassislarни иш билан таъминланганлик даражасини ўсиши кузатилмоқда.

Шу билан бирга, меҳнат бозорида профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг ўз мутахassisliklari бўйича ишга жойлашишда ҳам бир қанча муаммолар кузатилмоқда. Айrim ҳолларда бўш иш жойлари мавжуд бўлгани ҳолда ишчи кучининг иш берувчи томонидан кўйилаётган талабларига мос келмаслиги сабабли битирувчилар бандлигининг таъминланмаслиги ҳолатлари юзага келмоқда. Бундан ташқари, олинган касблар ва мутахassisliklar ҳар доим ҳам меҳнат бозоридаги мавжуд ўзгариб бораётган талабга тўлиқ мос келавермайди. Бунинг натижасида ишсиз қолаётган битирувчиларнинг салмоғини ортишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Айни вақтда саноат, савдо ва бошқа кўплаб хизмат кўрсатиш соҳаларида малакали ишчи кучининг етишмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўзаро таъсириининг алоҳида жиҳатлари, битиувчилар бандлиги муаммолари миллий ва хорижий адабиётларда етарли даражада ёритиб берилган. Германия, АҚШ, Қанада, Россия, Индонезия ва Жанубий Африка Республикаларида таълим муассасалари битиувчиларнинг бандлик ҳолатини мониторинг қилиш, ишга жойлаштириш, ишга жалб қилиш, меҳнат бозоридаги бўш иш ўринлари ва ишсиз фуқароларга бир марталик иш жойларини таклиф қилиш бўйича электрон платформалар жорий этилган.

Германияда иш билан таъминлаш агентлигининг онлайн платформаси мавжуд бўлиб, у Германия фуқаролари ва хорижий давлатлардан ишлаш мақсадида келган меҳнат мигрантлари учун Германия меҳнат бозорида мавжуд иш ўринлари бўйича маълумотларни ҳамда ишга жойлашиш бўйича хизматларни кўрсатади. Ушбу платформада ҳудудлар бўйича бўш иш ўринлари, иш берувчилар тўғрисида маълумотлар, талабаларга мос иш ўринлари, талабалар учун стажировкалар ва мавсумий иш жойларини кўриш мумкин.

Шунингдек, мактаб ва коллеж ўқувчиларини учун касбга йўналтириш хизматлари, ногиронлиги бўлган шахслар ва туғруқ таътилидаги оналар учун қатор хизматлар имтиёзлар ва субсидиялар олиш хизматлари кўрсатилади.

Хорижий мамлакат фуқаролари меҳнат мигрантлари учун Германияда малака ва илмий даражасига кўра ишга жойлашиш, немис тили курслари, илмий даражаларни олиш, ижтимоий таъминот ва Германияда моливий қўллаб-қувватлаш ҳақида малумотлар билан танишишлари мумкин бўлади.

Платформанинг асосий хусусиятларидан бири унинг инклузивлигидир. Сайтдаги навигациядан фойдаланиб, Германияда истиқомат қилувчи фуқаролар ва талабалар ўзларининг шахсий талабларига, таълим даражасига ва ҳаёт шароитларига мос келадиган иш ўринлари бўйича маълумотларни олиши мумкин. Платформада иш билан таъминлашнинг қуйидаги шакллари бўйича маълумотлар келтирилган. Жумладан, доимий иш, ярим қунлик иш, уйда ишлаш, сменали иш ва тунги иш бўйича бўш иш ўринлари маълумотлари киритилади.

АҚШда таълим муассасалари битиувчиларини ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлаш ҳамда мониторинг қилиш, шунингдек ишга жойлашиш мақсадида иш изловчи фуқаролар учун “GigSmart” рақамли платформаси мавжуд бўлиб, иқтисодиёт учун меҳнат бозорида талаб бўйича кадрлар ечимларини тақдим этишга ихтисослашган. Платформа мижоз ва ходим ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконини беради. Платформани мобил версияси ҳам жорий қилинган.

Платформа бизнес ва уй ишчиларини қидиришни осонлаштиради ва ҳудуд ёки жойлашув бўйича ходимлар учун сўровларни яратади. Шу билан бирга, мижозлар ходимларнинг профилларини кўришлари

мумкин. Бундан ташқари, ходимнинг профили қанчалик кенг бўлса, буюртма олиш имконияти шунчалик юқори бўлади. Ҳозирги кунда платформада мингдан ортиқ соҳа ва мутахассисликлар бўйича тахминан 550 минг ишчилар тўғрисида маълумотлар киритилган.

Шунингдек Ақшда талабалар учун соатлик иш ўринлари учун “BlueCrew” онлайн платформаси жорий этилган. Платформага мобил иловада рўйхатдан ўтган абитуриентлар реал вақт режимида бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар оладилар. Номзодлар ўзларига керак иш ўринларига хужжатларини электрон юборадилар. Иш берувчилар номзодларни ишга қабул қилиш ёки рад этиши мумкин. Қабул қилинган талабалар илова ёрдамида иш берувчиларга мурожжат қилишлари керак бўлади.

Россия давлатида фаолият кўрсатувчи таълим муассасалари битирувчиларининг бандлик ҳолатини мониторинг қилиш марказлашган ҳолда рақамлаштириш орқали амалга оширилади. Бунда битирувчиларнинг бандлик ҳолати кўрсаткичлари иккита алоҳида алоҳида манбалардан олинган маълумотларни қайта ишлаш йўли билан аниқланади. Булар:

1. Россия Федерациисининг пенсия жамғармаси маълумотлари.
2. Таълим тўғрисидаги хужжатларнинг федерал реестри (ФРДО).

Таълим тўғрисидаги хужжатларнинг федерал реестри – бу барча таълим муассасалари томонидан битирувчиларга берилган таълим олганлигини тасдиқловчи хужжатлари (диплом, сертификат) маълумотларини уларни берилган вақтидан бошлаб 60 кун ичida таълим муассасаси томонидан киритилиши лозим бўлган ягона электрон реестр ҳисобланади.

Бу жараёнлар Россия Федерацииси таълим ва фан вазирлигининг ташаббуси билан “Битирувчилар бандлигини мониторинг қилиш” интернет порталида ёритиб борилади ҳамда мониторинг натижаларини ҳам кузатиб бориш имконияти мавжуд бўлади. Бандлик мониторингини ўtkазишнинг бош мақсади – бу битирувчиларнинг иш билан таъминланиши самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаб боришдан иборатdir.

- Ишга жойлашган битирувчилар улуши;
- Якка-тартибдаги тадбиркорларнинг улуши;
- Битирувчиларнинг ишга жойлашуви географияси;
- Битирувчиларга тўланаётган иш ҳақи даражаси;
- Битирувчиларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича ишга жойлашуви.

Автоматлаштирилган тизим орқали бандлик мониторингини амалга ошириш жараёни қўйидаги босқичларда амалга оширилади.

1. Таълим хужжатлари федерал рўйхатини тўлдириш.
2. Идентификацияланган маълумотларни пенсия жамғармасига йўналтириш.

3. Битиувчилар бўйича стаситик маълумотларни аниқлаштириш.
4. Бандлик мониторинг ҳисоботларини шакллантириш.

Профессионал таълим муассасалари битиувчиларини ишга жойлаштириш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш - бу давлат аҳамиятига молик масала чунки айнан ёшлар мамлакат кадрлар салоҳиятини ташкил қиласди. Ёшлар бандлигини таъминлаш давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатининг долзарб ва узоқ муддатли вазифаси ҳисобланади.

Меҳнат бозоридаги ёшлар аҳволини баҳолаш зарурати ёшлар – бу мамлакат келажаги эканлиги ва бутун жамиятнинг истиқболдаги ривожланиши улар фаолиятининг бошланғич шароитларига боғлиқлиги билан белгиланади.

Профессионал таълим муассасалари битиувчилари рақобатбардошлиги кўрсаткичини белгиловчи асосий омиллардан бири уларнинг касб ва мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиш даражаси ва меҳнат фаолиятидаги муваффақиятидир.

### **1-жадвал**

#### **Профессионал таълим муассасаларини тугатган битиувчилар сони тўғрисидаги маълумот**

T/p	Таълим муассаса	2020/2021 ўқув йили (битиувчилар сони)	2021/2022 ўқув йили (битиувчилар сони)	2022/2023 ўқув йили (битиувчилар сони)
1.	Касб-хунар мактаби		74 350	83 158
2.	Колледж	5038	47 189	33 378
3.	Техникум	2383	22 983	56 300

*Манба: Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг электрон сайтидан олинган.*

2021-2023 йилларда Республикадаги 704 та профессионал таълим муассасаларини 324 779 нафар ўқувчилар битириб меҳнат бозорига кириб келишган.

2023 йилда республикадаги 332 та касб-хунар мактаблари, вазирликлар ва идоралар тизимидағи 104 та коллежлар ва 208 та техникумларни 172 836 нафар ўқувчилар тамомлади.


Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига мазкур битиувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичларини таҳлил қилинди. Дастлабки мониторинг натижаларига кўра, 99 329 нафар битиувчиларнинг (жами битиувчиларнинг 57,5%и) бандлиги таъминланганлиги маълум бўлди.

Жумладан, доимий ишга жойлашганлар 54 445 нафарни, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар 6 283 нафарни, вақтингачалик иш билан банд бўлганлар 16 160 нафарни ҳамда ўзини ўзи банд қилганлар 22 441 нафарни ташкил этмоқда.

Шунингдек, жами битиувчиларнинг 17 305 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган, 2 340 нафари хорижга чиқиб

кетган ҳамда 1 239 нафари ишсиз сифатида меҳнат органларидан рўйхатдан ўтган.

Битиравчилар бандлигини таъминланиш ҳолати вилоятлар кесимида таҳлил қилинганда Андижон (73,3%), Наманган (66,8%), Самарқанд (67,2%) ҳамда Фарғона (70,2%) вилоятларида ушбу кўрсаткичлар ўртacha 60 фоиздан юқори бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси (42,1%), Навоий вилояти (21,4%) ва Тошкент шаҳрида (40,2%) битиравчилар бандлиги 45 фоизга ҳам етмайди.



**1-расм. Битиравчилар бандлиги таъминланиши ҳолати**

Манба: Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг электрон сайтидан олинган.

Ўзбекистонда ҳар йили 170 мингдан ортиқ профессионал таълим муассасалари битиравчиларининг меҳнат бозорига кириб келиши аҳоли бандлигига қўмаклашиш, янги иш жойларини ташкил этиш, халқаро стандартлар асосида ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш масаласи тобора долзарб вазифага айланмоқда.

Хулоса қилиш мумкинки, анаъанавий усулда биринчидан, ўрганиш маълумотлари тўлиқ субъектив таъсир остида шаклланса, иккинчидан, бандлик мониторинги учун кетадиган моддий ва педагог-ходимларнинг вақти бўйича харажатларнинг ортиб бораётгани эндиликда мазкур жараённи рақамлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Жаҳондаги глобал ўзгаришлар, фан-техника жадал ривожланиши ҳамда ахборот технологияларининг ривожига асосланган ахборотлашган жамият муҳити таълим тизимига кучли таъсир этмоқда. Бугунги мунтазам амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари, инновацион жараёнларнинг асосий вазифалардан бири рақамлаштириш жараёни хусусиятларига тўла мослашиш ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллар ва хорижий ривожланган давлатларнинг тажрибалари асосида профессионал таълим муассасалари битиравчиларни бандлигини статистик мониторингини юритиш мақсадида электрон платформани жорий этиш лозим. Бунда:

**Ахборот тизимининг асосий мақсади** - республикада профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг реестрини юритиш ҳамда республикадаги мавжуд бўш ва ташкил этилган янги иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш орқали битирувчилар бандлик даражасини оширишга кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган битирувчиларга бизнес режаларини амалга оширишда кўмаклашиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида шаффофикни ошириш, шунингдек битирувчиларни вақтинча ишга жойлаштириш ва ўзини ўзи банд қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат.

**Ахборот тизимининг вазифалари ва қўлланилиш доираси:**

- битирувчиларнинг реестрини юритиши;
- ногиронлиги бўлган битирувчилар реестрини юритиши;
- битирувчиларни яшаш минтақасида бўш ва ташкил этилган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш имкониятларига кўмаклашиш;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган битирувчиларга ўзларининг тадбиркорлик режаларини амалга оширишда ёрдам бериш;
- иш берувчиларга малакали ишчиларни, биринчи навбатда битирувчилар орасидан жалб қилишда ёрдам бериш;
- битирувчиларни иш билан таъминлаш масалалари тўғрисида хабардорлигини ошириш;
- Бандлик ва касбга йўналтириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- Ишга жойлашиш хуқуқи ва ишга жойлашишдаги давлат кафолатлари;
- Иш берувчиларнинг ва ишга жойлаштириш соҳасидаги кафолатлари;
- Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида давлат хизматлари кўрсатувчиларининг реестрини юритиши;
- Битирувчиларни меҳнат бозоридаги аҳволи кузатилиб таҳлил қилиниб борилади.

**Интеграция қилинадиган ташкилотлар:**

- Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг – ЯММТ базаси, Бандлик хизмати АТ, “Labour - migration” ахборот тизими;
- Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базаси;
- Давлат стаситика қўмитаси маълумотлар базаси;
- Савдо-саноат паластаси маълумотлар базаси;

**Интеграция қилиш натижасида платформада қуийдаги имкониятлар яратилади:**

- мамлакатда барча иш берувчилар түғрисидаги маълумотлар жамланади;
- мавжуд бўш (вакант) иш ўринларини реал вақтда кўриш имконияти яратилади;
- хусусий тадбиркорлик субъектларида ўрта бўғин кадрларга бўлган бўш иш ўринлари түғрисида маълумотлар билан танишиш имконияти яратилади;
- Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги тақдим этган бўш иш ўринлари түғрисида маълумот олиш имкони яратилди;
- вақтинчалик чет элда ишлаш истагида бўлган битирувчилар учун чет эл давлатида бўлиш қоидалари, яшаш ва меҳнат шароитлари, хорижий иш берувчилар билан меҳнат шартномалари тузишнинг ҳукуқий жиҳатлари түғрисидаги маълумотларни онлайн режим орқали тақдим этиш имконияти яратилади.

Битирувчиларни расмий ва норасмий секторда бандлик ҳолати, тадбиркорликка жалб қилинган, ўзини ўзи банд қилган тингловчиларни худудлар кесимида мониторинг қилиш имконияти яратилади.

**Маълумотлар                                  базасида    ишлатиладиган                                  ягона идентификаторлар:**

- ЖШШИР** - Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
- СТИР** - Солиқ тўловчининг индивидуал рақами;
- Географик код.

Профессионал таълимда рақамли технологияларни жорий этиш таълим ва бошқарув учун янги имкониятлар яратиб, маълумотлар йиғиши ва таҳлил қилиш, ўзаро ҳамкорлик ва мулоқот қилишни осонлаштиради ҳамда иш берувчиларга бир қанча қулайликлар яратади. Шунингдек реал секторда корхона ва ташкилотларининг битирувчилар ва бўлажак мутахассисларнинг умумий саводхонлиги, билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблари мавжуд. Келажакда улардан фойдаланишга имкон берадиган замонавий компетенцияларни шакллантирмасдан билим ва кўникмалар энди етарли эмаслиги аниқ.

Шу билан бирга, мазкур соҳанинг рақамлаштирилиши ортиқча қофозбозлиқ, бюрократияни ва битирувчиларнинг бандлик ҳолатида қўшиб ёзишларни ҳамда мазкур соҳада шаффофлик даражасини оширади, коррупция ҳолатларининг камайишига хизмат қиласи. Рақамлаштириш жараёнларининг тезлашиши ҳамда самарали татбиқ этилишида бошқарув органларида маълумотлар базаларига сервис даражасида маълумотларни алмашиш орқали ахборот тизимини интеграция қилишдаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳозирги даврда рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларсиз юксалишга эришиб бўлмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон нашриёти - “Янги Ўзбекистон стратегияси” – Тошкент 2021 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси” Тошкент 2022 йил 20 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сон Қонуни 2020 йил 20 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни 2020 йил 23 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун ЎРҚ-798-сон. 2022 йил 28 октябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони 2022 йил 28 январь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони.
8. Қаландар Абдураҳмонов – “Меҳнат иқтисодиёти” назария ва амалиёт дарслик. Иқтисодиёт нашриёти. Тошкент 2019 йил.
9. Гулнора Абдураҳмонова – “Меҳнат иқтисодиёти” ўқув қўлланма Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи. Тошкент 2020 йил.
10. Б.Умурзаков, Б.Алимухаммедов Т.Махмудов – “Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг асосий вазифалари ва фаолияти” – Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи. Тошкент 2021 йил.
11. Г.Абдураҳмонова. - “Инсон ресурсларини бошқариш” дарслик Фан нашриёти Тошкент 2021 йил.

**Интернет сайтлари**

12. <https://www.gov.uz> — Ўзбекистон Республикаси давлат портали.
13. <https://mehnat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий сайти.
14. <https://stat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитасининг расмий сайти.
15. <https://edu.uz> — Олий таълим, фаг ва инновациялар вазирлигининг расмий сайти.

**LABOUR ECONOMICS**

**TASHKENT STATE  
OF ECONOMICS**



# **Tashkent state university of economics**



+998 99 881 86 98



ilmiymaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



[www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)